

## НУРИДДИН ИСМОИЛОВ

### КОМАНДА-20 «А»

#### Роман

Сўнги имтиҳонни топшириб, мактабдан уйга қайтаётган Маҳзуна қуёш тафтидан сақланиш учун дафтарини бошига қўйиб олди. Ҳали уйигача олис, бирор икки километр мана шу иссиқда юришига тўғри келади. Аксига олиб, яна бироздан кейин йўлнинг икки четида аскарлардай қатор экилган тутлар ҳам тугайди. Ундан у ёғи бийдай чўл деяверинг. Эрталаб билинмайди, салқинда чиқасан, лекин дарслар тугагандан кейин уйга қайтиш азобнинг ўзгинаси. Беш-олти киши бўлсанг-ку, билинмайди: гангир-гунгур, ҳангома қилиб борганинг сайин йўл қийилиб кетаверади. Ана-мана дегунча, уйга етганини билмай қоласан. Аммо бугун Маҳзуна синфдошларидан илгарироқ мактабдан чиқди. Имтиҳон ёзма эди. Математикадан. Маҳзуна учун математика бир пиёла сув ичишдай гап. Ҳар қандай саволга кўзини юмиб, бирпасда жавоб бериб ташлайди.

Қуйи синфда ўқиган кезлари имтиҳондан сўнг дарров уйига кетмай, мактаб ҳовлисидаги олма остидаги ўриндикда, синфдош-қишлоқдош дугоналарини кутарди. Бугун ўтиргиси келмади. Юраги сиқилди. Бўлмаса, бу йил мактабни битиради. Кейин синфдошлар билан дийдорлашув қийин кечади. Ҳамқишлоқларини тез-тез кўриб туриши мумкин, аммо бошқа қишлоқнинг ўғил-қизлари билан учрашиши амри маҳол... Тасодифан бирор жойда дуч келиб қолмаса, атайлабдан бир-бирини кўриш учун йўқлаб боришмайди, албатта.

Мана, тутлар ҳам тугади, бу ёғи йўлнинг икки томони пахтазор. Ғўзалар эндигина бир қарич бўлган, униям бир томондагисини ўт босиб ётибди. Иккинчи томондаги қаторлар оралиғида жимираб сув оқяпти. Офтоб куйдираман дейди. Устига-устига, қаердандир гармсел шамол келиб, Маҳзунанинг лабларини қуриштира бошлади. Қиз

йўлнинг танобини тезроқ тортиш учун қадамини илдамлатди. Шу маҳал узоқдан келаётган одамга кўзи тушди. Парво қилмади. Одатий ҳол, шу пайтгача мактабга неча марталаб борган бўлса, қанчадан-қанча одамга дуч келган. “Сув бўлсайди, — ўйлади у, — қониб-қониб ичардим”. Шу аснода пахта қаторлари орасида жилдираётган сувга тамшаниб қараб қўйди: дорили сув. Кўнглинг айниб, ичган жойингда думалаб қоласан. Бир пайтлар одамлар шу сувдан ичаркан. Фақат у вақтлар пахтага дори солишмаган-да...

Маҳзуна ўз ўйи билан овора бўлиб, қарши тарафдан келаётган одамнинг яқинлашганини сезмай ҳам қолди. Оралиқ масофа бирор йигирма қадамча қолганида беихтиёр юзига қизиллик югурди. Ахир рўпарасидаги одам Дониёр-ку... Маҳзунанинг ҳамқишлоғи. Юридик институтда ўқийди. Ўтган йили мактабни битирган. Синфдошларининг гап-сўзларига қараганда, Дониёр Маҳзунани севармиш... Гарчи йигит қизнинг ўзига ҳали ҳеч нарса демаган бўлса-да (Дониёр на бирор мактуб берган ва на унга ишқий назар ташлаган эди), унинг юраги гупиллаб ура бошлади.

— Беш минутга кеч қолибман, — деди Дониёр қизга яқин келгандан кейин.

— Нимага беш минут кеч қоласиз? — сўради ним табассум билан Маҳзуна.

— Сени кутиб олишга.

Маҳзунанинг киприклари пирпиради. Юзи қизариб, нигоҳлари ерга қадалди.

— Нимага мени кутиб оларкансиз? — деди у паст овозда.

— Шунчаки бугун кутволмоқчийдим.

— Шунчаки?.. — ҳайрон бўлди қиз.

— Ҳа, шунчаки. Чунки эртага кетаяпман.

— Сиз ҳар доим кетасиз-ку ўқишга. Бу мен учун янгиликмас. Кейин мени кутволишингизга... кетишингизнинг нима алоқаси бор?

— Бу сафар ўқишга кетмайман. Бу сафар кетишимга кутволишимнинг алоқаси жудаям бор. Чунки эртага армияга кетаман.

Қиз илқис бошини кўтариб, йигитга қаради-ю, нигоҳи унинг кўзлари асирасига айланиб қолди. Бир қанча муд-

дат шу тахлит тили калимага келмай, нима бўлаётганини англаёлмай, туриб қолди. Силлиқ таралган сочлари орасидан пешонасига тер оқиб тушди.

— Армияга?.. — деди ғалати бўлиб. — Ўқишда ўқийдиганларни кечроқ чақиради, дейишарди-ку.

— Менинг ўзим ариза бердим, — деди Дониёр қизнинг муомаласидан ўзига нисбатан илиқлик борлигидан хурсанд бўлиб.

— Яхши боринг, ҳамма бориб келаяпти.

— Сенга хат ёзиб турсам майлими?

— Хат? Нега?

— Хат орқали гаплашиб турамыз.

— Шу пайтгача сиз билан ҳеч нимани гаплашмаганмиз. Бирдан бундай дейишингиз...

— Юрак дов бермаётганди. Икки йил бутунлай узоқлаб кетишимни билганимдан кейин амаллаб йўлингни пойлаб чиқдим.

Маҳзуна мийиғида кулди:

— Гапларингиз дадил-ку. Худди беш-олтита қиз билан гаплашиб қўйгандайсиз. Ундан кейин кўп қизлар юридическийда ўқийдиган йигитларни яхши кўришаркан.

— Шундай дадиллик қилмасам, кейин икки йил қийналиб юраман. Бунга беш-олтита қизнинг алоқаси йўқ. Лекин юридическийдаги йигитларга қизлар кўпроқ ошиқ бўлишларини сендан эшитиб турибман. Хат ёзиб турсам майлими?

Маҳзуна бошини эгиб, бироз жим қолди. Сўнг деди:

— Ҳозир қизлар келиб қолади, сиз билан гаплашиб турганимни кўришса, устимдан кулишади. Шундоғам қанча вақтдан бери ҳазил қилишади.

— Нега?

— Билмадим... мен ҳақимда кимга айтгандингиз? Уларнинг гапига қараганда, сиз...

— Агар шундай бўлса, сен нима деб жавоб қайтарардинг?

— Билмайман. Кечирасиз, мен эртароқ уйга боришим керак.

Маҳзуна шундай дея тез-тез юриб, йигитдан беш-олти қадам узоқлашди. Дониёр аввалига сеҳрлангандай қизнинг ортидан қараб турди. Сўнг бир нима эсига тушиб, югуриб қизни қувиб етди.

— Кузатиб кўяман, — деди у.

— Йўқ, — деди кўрқиб кетган қиз, — қишлоғимиз одамларини яхши биласиз, дарров гап-сўз қилишади. Сиз-ку, кетиб қутуласиз, мен бўлсам, дашномларни эшитиб яшашимга тўғри келади. Кейин акам... эшитиб қолса, мени ўлдиради.

— Унда айт, хат ёзиб турсам майлими?

— Майли, — деди қиз қутилмаганда тўхтаб йигитнинг юзига қараркан. — Фақат... фақат аввал ўзим ёзаман. Шу ёзганимда кимнинг номига ёзишингизни айтаман.

— Урра-а-а! — деди Дониёр. — Урра-а! Мени икки йил кутадиغان қиз бор!

Қизнинг юзида табассум пайдо бўлди.

— Мен сизга кутаман, деб ваъда берганим йўқ-ку! — деди қиз шўх овозда.

Дониёр бирдан жиддий тортиб қолди.

— Қутмайсанми? — деди қизга маъюс термилиб.

— Билмадим, жиннивой.

Қиз кетди. Унинг сўнгги гапидан Дониёрнинг юраги завққа тўлди. Кун иссиқлигига қарамай ирғишлагиси, сакраб-сакраб югургиси келди. Шу асно лаб-лунжини йиғиштиролмайдир тиржаяркан, қизнинг ортидан термилиб қолди. Шу кўйи анча вақт офтобда қуйиб, ширин хаёллар оғушида турди. Маҳзуна бутунлай кўринмай кетганидан кейингина қишлоғи сари юрди.

Эртасига Дониёрнинг қариндош-уруғи, кўни-кўшнилар хайрлашиш учун келишди. Улар орасида Маҳзунанинг отаси ҳам бор эди. Эллиқдан ўтиб, олтмишни қоралаб қолган қорувли эркак Дониёрни маҳкам бағрига босиб кучоқлади. Йигит ичида ўзгача бир нима туйди. “Шу одамга, Худо хоҳласа, куёв бўламан”, деб ният қилишга ям улгурди. Кейин амакисининг сариқ “Москвич”ига ўтириб, акаси Пўлат, отаси, амакиси Фанишер ҳамроҳлигида йўлга чиқди. Маҳзуналарнинг уйлари ёнидан ўтиб кетишаётганда бутун умидини кўзига тўплаб, очиқ дарвозадан ичкарига қаради. Кимнингдир қораси кўрингандай бўлди. Лекин кўргани Маҳзунамиди, онасими, опасими англаёлмади. Шу заҳоти Маҳзунанинг кечаги майин жилмайишини хаёлида тиклаб, ширин энтикиб қўйди.

Улар ҳарбий комиссариатга етишлари билан бўлажак аскарларнинг ҳаммасини бир жойга йиғиб, сафланишга

буйруқ беришди. Шапка кийган сержант қўлида бир даста қоғоз билан пастқамгина, эшиклари ниҳоятда кўп иморатдан чиқиб келди.

— Ҳозир мен фамилияларни ўқийман, — деди у рус тилида бақриб. — Кимнинг фамилияси чиқса, — дея очиқ майдонни қўли билан кўрсатди, — анави ерга бориб, тўрт қатордан сафланаверади. Фамилияси чиқмаганлар икки кундан кейин келади.

Дониёрнинг бутун вужуди қулоққа айланди. Аскарликка отланганларнинг аксарияти рус тилини билмасди. Шу боис тушунмаганини бир-биридан сўраганлар кўп бўлди. Дониёр асли Москвада ўқишни ниёт қилгани боис, рус тилини астойдил ўрганган, ҳозирда бемалол гаплаша олар, унча-мунча китобларни ўқиб, мағзини чақарди.

Исм-фамилиясини эшитганлар панама шапка кийган сержант кўрсатган очиқ майдонга тўплана бошлади. Дониёр, ана менинг фамилиям чиқади, мана менинг фамилиям чиқади, деб узоқ кутди. Лекин қоғозда унинг фамилияси йўқмиди ёки сержант атайлаб ўқимадими, ишқилиб, у ўрик соясида қолаверди. Ниҳоят, ҳамма фамилиялар ўқиб бўлинди. Рўйхатда номи йўқлигидан Дониёрнинг жаҳли чиқиб, сержантнинг ёнига югуриб борди ва чақирув қоғозини кўрсатди.

— Бугун кетишим керак, — деди у қизиққонлик билан. Сержант аввал унинг қўлидаги қоғозга қаради, сўнг иржайди: — Сеники “20 а”. Сени кеча чақиришган, келмагансан. Энди икки кундан кейин янги команда билан кетасан. Ҳа, ҳали командани йиғиш тўғрисида бир қарорга келинмаган, балки бир ўзинг кетарсан.

— Қаерга бораман? — деди куннинг иссиғидан пешонаси тиришган Дониёр.

— Қаерга бўларди, Афғонга-да. Аввал Туркменистонда ўқувда бўласан, у ердан афғонга. Жанг қилгинг келаяптими? — дея ўшшайди сержант.

— Шундай қилиб, қачон келайин? — деди Дониёр унинг саволига жавоб бергиси келмай.

— Эртага соат тўққизда. Бўпти, менинг бошимни қотирма. Кетавер.

Дониёр сувга тушган мушукдай бўшашиб қолди ва бошини хам қилиб, ўрик остида елпиниб ўтирган қарин-

дошлари ёнига қайтиб, бўлган гапларни айтди. Фақат Афғонистонга жўнатишаётганини гапирмади.

— Бугун кетдинг нима-ю, эрта кетдинг нима? Яхши бўлди, қайтанга яна бир кун уйда бўласан, — деди отаси.

— Бормайман қишлоққа. Ҳамма билан хайрлашиб келдим. Эртага яна хайрлашаманми? Курсдошларимнинг ёнида қоламан, — деди ҳали-ҳамон жаҳлдан тушмаган Дониёр.

— Бекор айтибсан, мошинга чиқ! — деди қайсарлиги тутган ота.

— Чиқмайман, — тўнғиллади Дониёр.

— Чиқасан! — ўдағайлади ота.

— Қўйинг! — орага қўшилди Дониёрнинг Фанишер амакиси. — Қолса, қолаверсин. Эртага ўзимиз келамиз.

— Ота, — деди Пўлат. — Бекорга кун бўйи қовоқ-тумшук қилиб юради. Кейин армияга бориб, хат ёзмай қўйса, энам эзилади.

— Ёзмасин-чи, терисига сомон тиқаман. Чиқ мошинга, валак-салак! — бақирди ота.

— Шу ерда қолаверайин, — деди йиғламоқдан бери бўлган Дониёр. — Илтимос!..

— Сен болани бир гапинг борга ўхшайди-да. Агар бир гап чиқарсанг, каллангни оламан! — деб ота дарвозадан чиқиб, йўл бўйида турган машина томон кетди.

Қолганлар унинг орқасидан эргашди. Дониёрнинг хаёлини эса аллақачон Афғонистон эгаллаб олганди. Мана, у югуриб бораяпти. Қаршисидан серсоқол, офтобда юзи қорайиб кетган, жаҳлдор босмачи чиқди. Дониёр уни бир тепишда ағдаради. Кейин қўлига кишан солади. Олдига солиб, бошлиқларининг ёнига олиб боради. Буни кўрган бошлиқлар ҳайратдан ёқа ушлайди. Қарабсизки, Дониёр қаҳрамонга айланиб турибди.

Қишлоққа кетувчилар машинага ўтиришди. “Москвич”нинг мотори ўт олди. Фанишер амакиси деразадан бошини чиқариб, кўзини қисди-да:

— Бўпти, — деди ва секин газни босган ҳам эди, бир нима гурс этиб кетди-да, машина бир томонга қийшайиб қолди.

Ҳамма кўрқиб кетди. Уловдагилар бирин-кетин “Москвич”дан тушишди. Ранги докадай оқариб кетган

Ғанишер дарров машинанинг олд томонидан айланиб ўтди-ю, сўкиниб юборди.

— Қайси ит балонни ўғирлаб кетди?! — дея бақирди сўкиш ортидан.

— Вой, эшшаклар-эй, мошинани ҳозиргина қўювдик-ку! — деди ҳайратдан кўзлари олайиб кетган Дониёрнинг отаси. — Қачон ўғирлашга улгуришибди?

— Ака! Ўтираётганингизда қарамадингизми?! — деди башараси тиришган Ғанишер.

— Менинг тушимга кирибдими балонингни ўғирлаб кетиши. Запасканг борми?

— Бир ҳафта бўлувди қўйганимга. Янги балон эди. Онангни эмгурлар! — дея Ғанишер бориб, юкхонани очди-ю, қотиб қолди.

Чунки у ерда ҳам баллон йўқ эди. Ключлар сочилиб ётарди. Буни кўрган Ғанишер кулишниям, йиғлашниям билмай турарди.

— Нима гап экан? — дея Дониёрнинг отаси унинг ёнига борди.

У ҳам аҳволни кўриб, ачинган кўйи укасига қаради. Сўнг нигоҳини анграйганча турган Дониёрга қаратди:

— Сен иплюс, ўзингни тарозига солмай, эртароқ мошинга ўтирганингда, йўғиди шу кўргулик! — дея бақирди.

Дониёрнинг юзи докадай оқарди. Алам билан лабини тишлади.

— Бир йилдан бери шаҳардасан, — деди унинг ёнига келган Пўлат. — Балон сотадиган магазинни билсанг керак.

— Мен шопирмидим, магазинда балон қараб юрадиган?! — дея бўкириб юборди кутилмаганда Дониёр ака-сидан аламини олиш мақсадида.

— Эй, энангни эмгурнинг боласи. Бунинг гапига қара! Қилғиликни қилиб, энди ўзингдан тўрт ёш катта аканга бақираяпсанми, номард?! — дея ғазабланди ота.

— Кўйинг, унда нима айб? — дея жиянининг ёнини ола бошлади Ғанишер. — Бўлар иш бўпти. Энди балон топмасак, мошин шу ерда қоп кетади. Кейин бу кунимиз ҳам кунми? Дониёр, Пўлат, икковинг айланиб келинглар, топилиб қолар бирон жойдан. Эскиси бўлсаям, майли. Амаллаб қишлоққа етволишимиз керак.

Икки соат деганда ака-ука зўрға битта гилдирак топиб келишди.

— Энди уйга бормасанг, терингни шиламан, — деди ота Фанишер гилдиракни машинага ўрнатиб бўлганидан кейин.

Дониёрнинг кўнмасдан бошқа иложи йўқ эди. Зеро, у энди айбдор. Эркалиги ўтмайди.

Зеби ая ўглининг қайтиб келганини кўриб, бир қувонса, “Москвич”дан тушганларнинг ҳаммаси қовоқ солиб олганини кўриб, ҳайрон бўлди.

— Бу йил бормасканми? — деди у чолининг ёнига яқинлашиб.

— Курийдим, фақат эртага. Минғирламай бориб, чой дамла.

Эрининг гапидан Зеби аянинг дами ичига тушиб кетди. Унинг ёнидан Дониёр бошини ҳам қилиб ўтди-да, уйга кирди. Хонасига кирди-ю, гиламга юзгубан ётиб олди. Бир қанча муддат ҳеч нима тўғрисида ўйламади. Шу тахлит ухлаб қолди. Синглиси келиб уйғотди. Энаси кечки овқатга чақирганини айтди. Дониёр тушлик ҳам қилмаганди. Дарров ўрнидан турди. Бўлиб ўтган воқеа ёдига тушиб, бир хиёл аразлаганини билдириб қўйиш мақсадида, гарчи қорни жудаям очқаган эса-да, овқатланишдан воз кечмоқчи ҳам бўлди-ю, аммо ташқарида отасининг:

— Ҳалиям чўзилиб ётибдимиз, ҳўкизга ўхшаб? — деган гапи эшитилиб қолди-ю, ўрнидан сапчиб турганини сезмай қолди.

Ҳовлида сўри остига ўрнатилган чорпоя устида тўртта одам ўтирар эди. Учаси у билан шаҳарга бориб келганлар, тўртинчиси тоғаси Сирожиддин эди. Дониёр аввал юзини ювди. Сўнг чорпояга чиқиб, дастурхон ўртасида турган бир шиша ароққа кўзи тушди. Умри бино бўлиб, ҳали бирор марта ичмаган, ҳазар қилган. Лекин ҳозир ичгиси келиб кетди. Аммо ким ҳам унга ароқ қуйиб берарди. Отаси ичганини кўрса, тамом, шу заҳотиёқ терисини шилиши аниқ. Шу боисдан бошини эгиб, оёғини чалиштирганча ўтираверди. Тоғаси, амакиси, отаси бир пиёладан ичишди.

— Менга қара! — деди шундан кейин отаси жаҳлдор овозда. — Биров булбулингни кесиб олдимми?! Нимага



бунақа қовоқ-тумшуқ қилиб, одамнинг жонини чиқарасан! Мана, Фанишер иккита балонидан айрилсаям, босиб ўтирибди-ку. Бир кунга қоп кетганинга, уриб, бурнимни қонатмоқчимисан!

— Йўқ, — дея гўлдиради Дониёр, — бошим оғриётувди.

— Шунга шумшайиб ўтирмасдан, дори-пори ич. Ким айтади сени армияга борадиган йигит деб! — дея кесатди ота.

— Ака, қўйинг, шу сизгаям бир гап тегмасин. Сира узайин демайсиз-а? Ўтирибди ойдаи. Бировга оғирлиги тушаётгани йўқ, — деди Фанишер ва жиянига юзланиб:

— Сенинг ишинг бўлмасин. Отангники тутиб турибди. Олдидан келганни тишлайди, орқасидан келганни тепади, — дея қўшиб қўйди.

Шу маҳал Дониёрнинг синглиси Нафиса бир коса овқат кўтариб келиб, акасининг олдига қўйди. Дониёр хўриллатиб овқат ича бошлади-ю, қулоғи тинчиди. Қолаверса, чорпоядагиларнинг у билан ишлари бўлмай қолган эди. Улар ора-чора пиёлаларига ароқ қуйиб ичишар, кейин бу йил пахта яхши ўсмаётгани ҳақида бири қўйиб, иккинчиси гапирар, культивация яхши бўлмагани, ҳозирги тракторчиларда инсоф қолмаганига алоҳида урғу беришарди.

Овқатланиб бўлган Дониёр, юзига фотиҳа тортди-да, ўрнидан туриб, тагин хонасига кириб кетди. Ҳеч ким уни тўхтатмади. Уйга кириб, кўрпача ёзиб, чўзилди ва Маҳзунани ўйлади. Бирдан уни кўргиси келиб кетди. Қани энди уйига борса-ю, ҳеч кимга билдирмай, ташқарига чақириб олса, иккаласи тонггача гаплашиб ўтирса, биров халақит бермаса.

У бирдан ўрнидан туриб ўтирди. “Нафисани жўнатсам-чи, биров билмайди. Уч уй нари... нима бўпти? Борди-ю, чақириб чиқади-да, қайтиб келаверади...”

У чиқармикан? Чиқмаса, шарманда бўламан. Яхшиси, чорпоядаги барака топгурлар ўринларидан турганларидан кейин ўзим бориб, ҳовлисини пойлайман!..” Уйи ўзига ёқиб кетиб, Дониёр ўрнидан сапчиб турди. Бир хаёл ташқарига чиқмоқчи бўлди. Лекин дарров ниятидан қайтиб, эшик ёнига борди-да, ташқарига қулоқ солди. Гангир-гунгур ҳангома давом этмоқда эди. “Бунақада

ҳали-бери улар турмайдиганга ўхшайди”, хаёлидан ўтказди у ва бориб, уй тўридаги стол устида турган магнитофоннинг тугмачасини босди.

«Хат ёзаман, — дея ўзига ўзи гапирди айланаётган кассетадан кўзини узмай. — Нозимага топшираман. Мен кетгандан кейин бериб қўяди... Вой, аҳмоқ калла, кеча расмини сўрасам бўларкан. Ўзим билан олиб кетардим».

Шу пайт гийқ этиб эшик очилди. Пўлат кўринди.

— Ташқарига чиқ, тоғам кетаяпти. Хайрлашмоқчи сен билан, — деди.

— Эллик марта хайрлашадими? — деб қовоғини уйиб олди Дониёр.

— Кўп сайрамадан чиқ, тез-тез бўл. Индамаса, одамнинг бошига чиқволасан! — деб Пўлат қарс этказиб, эшикни ёпиб қўйди.

Ақасининг айтганини қилмасдан иложи йўқ эди. Агар ҳозир бормаса, отаси сўкади. У ўзича бир нималар деб фўлдиради-да, ташқарига чиқди.

— Жиян, — деди тоғаси Дониёр чорпоя ёнига борганида, — ҳалиям бахтинг бор экан. Эртага кетаркансан. Менинг ҳамсоям бир ой шаҳарга қатнади. Ҳар куни одамлар билан хайрлашади. Ҳар куни уйига қайтиб келади. Охирги мартасида хайрлашмасдан бир ўзи шаҳарга бориб, шу бўйича кетиб қолди. Ҳозир Владивостокда моряк. Бир йили ўтди. Яна икки йилдан кейин келади. Сеники бўлса, аниқ экан.

Дониёр индамай тураверди. Тоға бошқалар билан биргаликда чорпоядан тушди. Кейин жиянини маҳкам қучоқлаб, елкасига уриб қўйди.

Ҳамма тарқагандан кейин ота чорпояга чиқиб, чўзилиб ётди. Дониёр уйга кирган киши бўлди-ю, томорқага ўтиб кетди. Бироз турди. Онасининг овози эшитилди. Унга одат бўлиб қолган: ҳар куни ташқарига чиқиб, чорпояда ухлайдиган эрининг устига кўрпа ёпиб қўяди. «Ёш боламассиз, шамоллаб қоласиз», дейди эрига. Лекин эр жонивор унга қулоқ солмайди, тескари ўгирилиб ухлайверади.

Дониёр яна кутди. Ниҳоят, отасининг хурраги бошланди. “Бўлди, энди кетсам бўлади”, хаёлидан ўтказди у.

Қишлоқда ҳовлилар девор билан ўралмаган. Ҳаммаёқ очиқ-сочиқ. Фақат баъзилар номига дарвоза қурган. Шу-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/809> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/809> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную  
версию можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/809>